

# Аҳолининг Ижтимоий Таъминот Ҳуқуқлари; Амалиёт, Муаммо Ва Таклифлар

*Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович<sup>1</sup>*

**Аннотация:** ушбу мақолада бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида турли хил демографик ҳолатлар, яъни туғилишнинг кескин камайиб кетиши, қашшоқлик даражасининг фаоллашгани, ишсизлик муаммоси авж олиши ва аҳолининг умр кечириш давомийлигининг ортиб бориши тўғрисида маълумотлар ва ижтимоий таъминот борасида дунё давлатларида амалга оширилаётган ислохотлар ёритиб берилган.

Шунингдек, республикамизда охириги йилларда фуқароларнинг ижтимоий таъминот ҳуқуқлари бўйича амалга оширилган муҳим ислохотлари ва пенсия таъминоти соҳасида амалдаги ҳолатлар, муаммо ва таклифлар тўғрисида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** пенсия, ижтимоий таъминот, ижтимоий муҳофаза, пенсия жамғармаси, жамғариб бориладиган пенсия тизими, энг кам пенсия, миграция.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий кадрият эканлиги эътироф этилиши ва барча нарсалар инсоннинг бахт-саодати ҳамда фаровонлигига бўйсундирилиши лозимлиги ҳақидаги инсонпарвар ғояни жамиятда кенг қарор топтирилиши янги инсоний ва ижтимоий муносабатларни юзага келишига, воқеа-ҳодисаларга янги ёндашувларга сабаб бўлади.

Бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида турли хил демографик ҳолатлар, яъни туғилишнинг кескин камайиб кетиши, қашшоқлик даражасининг фаоллашгани, ишсизлик муаммоси авж олиши ва аҳолининг умр кечириш давомийлигининг ортиб бориши билан бирга унга мутаносиб равишда аҳолини пенсия билан таъминлаш даврийлиги ҳам узайиб бормоқда.

Тадқиқотларга кўра ер юзи аҳолиси йил сайин кексайиб боририши кузатилмоқда. Бугунги кунда дунёда кекса ёшдаги аҳоли сони (60 ёш ва ундан катталар) 1 млрд. кишидан ортиқ бўлиб, бу ер юзидаги жами аҳолининг 13 % ни ташкил этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, 2050 йилда ер юзи аҳолисининг 22 % ни пенсионерлар ташкил қилиб, дунё аҳолисининг ўртача яшаш давомийлиги 76 ёшга етиши башорат қилинган.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра ер юзида 1950 йилда 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли жами аҳолининг 7,7% ни, 2019 йилда 19% ни ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб эса 27% дан ошиши кутилмоқда. [1]

Шунингдек, ер юзи аҳолиси 1804 йилда 1 млрд., 1927 йилда 2 млрд.ни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 8 млрд ташкил этаёпти. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг таҳлилларига кўра 2022 йил 1 январь ҳолатига меҳнатга лаёқатли шахсларга нисбатан ишсизлар дунё бўйича 207 млн. (6.5%) кишини ташкил этган.

Туғилишнинг умумий даражаси эса 1950 йилда 4.97 коэффицентни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 2.47 коэффицентга тушиб қолган. Энг ачинарлиси жами ер юзидаги кекса ёшдаги аҳолининг фақат 68 фоизигина пенсия билан таъминланган ҳолос. [2]

Юқоридаги жуда муҳим статистик маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, бугунги кунда пенсия таъминотини янада такомиллаштириш ҳар бир давлат олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий муҳофазанинг бир қисми ҳисобланган пенсия тизимида бугунги кундаги муаммоларни бартараф этиш ва пенсия таъминотининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида кўплаб давлатларда ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қулай пенсия таъминоти тизimini яратиш, хусусий ва нодавлат пенсия тизимларини янада такомиллаштириш, пенсияга чиқишлар ёшлари, кексаликда камбағалликдан ҳимояланиш, фуқароларни муносиб пенсия билан таъминлаш қафолатларини такомиллаштириш ва давлатларнинг пенсия қонунчилигини халқаро андозаларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш, пенсия таъминотида оид янги ҳуқуқий механизм ва моделларни яратиш, пенсия таъминотида ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларини устувор қўллашга эришиш, пенсия таъминотининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш каби йўналишларда турли давлатларда турли хилда ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ижтимоий таъминот тизimini ислох қилиш борасида стратегик ҳужжатлар қабул қилиниб, муаммоларни бартараф этган ҳолда амалиётга жорий қилинмоқда. Хусусан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган

<sup>1</sup> Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш фаоллигини оширишни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш” бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган [4].

Ҳақиқатдан ҳам пенсия соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар жуда муҳим ҳисобланиб, республика аҳолисининг қарийиб 12 фоизини ташкил этувчи аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини, ижтимоий ва моддий таъминотини таъминлаб келмоқда. Бу борада айниқса охириги беш йилда туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ижтимоий таъминот ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш мақсадида охириги беш йил мобайнида 60 га яқин пенсияга оид норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, фуқароларга қулай шароитлар яратилди.

Хусусан узок йиллар мобайнида пенсионерларни қийнаб келган айрим муаммоли масалалар ўз ечимини топди.

Жумладан;

- 2019 йил 1 сентябрдан манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилди;
- 2021 йил 1 январдан бошлаб аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига давлат томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва ёрдам бериш билан боғлиқ жараёнларни автоматлаштириш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 9 февралдаги “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-752-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг давлат таъминоти тўғрисидаги қонунининг 15-моддасига Чернобыль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган фуқароларга пенсия тайинланиши белгиланди;

Шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолар учун боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш муддати 16 ёшдан 18 ёшга узайтирилди ва таълим ташкилотларининг ўқувчилари ва талабалари ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи белгиланди;

Қонуннинг 37-моддасига болаликдан ногиронлиги бор болага қаралган иш стажи қўшиб ҳисобланиш даври 16 ёшдан 18 ёшга узайтирилди;

2023 йил 1 январдан эса пенсияларни миқдорини ҳисоблаш учун ҳисобга олинмаган базавий ҳисоблаш миқдори 10 каррадан, 12 каррага оширилади.

Ҳаттоки пандемия даврида ҳам мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларга манзилли ёрдамлар кўрсатилганлиги, пенсия миқдорлари мунтазам оширилиб келинганлиги, пенсионерларга қулай шарт-шароитлар яратилганлиги, ижтимоий ёрдамга мухтож шахсларга моддий ёрдам кўрсатилиши узлуксиз таъминланганлиги давлатимизда инсон кадри юксак эканлигидан далолат беради.

Ваҳоланки, пандемия даврида кўплаб хориж давлатларида, ҳаттоки иқтисоди ривожланган айрим мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Хитой, Норвегия, Швеция, Малайзия, Финляндия, Россия, Индия, Туркия, Украина, Аргентина ва Латвия каби давлатларда ҳам пенсияларни тўлаш, миқдорларини аввалги ҳолатда сақлаб туриш, бадаллар ставкаларининг вақтинчалик қисқариш, пенсия миқдорларини вақтинча оширмаслик, ижтимоий суғурта жамғармаларига бадалларни кечиктириш каби чора-тадбирлар ишлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

Юқоридаги амалга оширилаётган ислохатлар ҳақиқатдан ҳам фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганлигидан далолат.

Шу билан бирга мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш муҳимлиги ва зарурлигини белгилаб берувчи қатор масалалар мавжуд.

Биринчидан, энг кам пенсия миқдорларини янада ошириш, 2022 йил 1 июндан бошлаб ёшга доир пенсиянинг энг миқдори 633 минг сўмни ташкил этади. Маълумки, кекса ёшдаги фуқаролар меҳнатга қобилиятсиз ҳисобланиб, ижтимоий ҳамда тиббий харажатларга эҳтиёж юқори бўлади. Шундан келиб чиқиб кўпчилик пенсионерлар оиласига қарам бўлиб қолади.

Шунинг учун муқобил ижтимоий таъминот институтларини жорий қилиш таклиф этилади.

Иккинчидан, норасмий секторда фаолият юритувчиларнинг келажакдаги ижтимоий таъминоти масаласи етарлича таъминланмаган. 2022 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий банд аҳоли 13,5 млн. кишини ташкил этса, шундан 6,2 млн киши расмий, 5,9 млн. киши эса норасмий секторда бандларни ташкил этади. Айнан мана шу норасмий секторда бандларнинг келажакдаги ижтимоий ҳимояси муаммолигича қолмоқда.

Ушбу тоифа фуқароларни бандлигини таъминлаш мақсадида турли хил имтиёзлар тақдим этган ҳолда ўзини ўзи банд қилган шахслар қўламини кенгайтириш тақлиф этилади.

Учинчидан, ташқи меҳнат миграциясида фаолият юритаётган фуқароларнинг келажақда пенсия билан таъминланиши учун етарлича имкониятлар яратилмаган. 2022 йил 1 январь ҳолатига 1,5 млн.дан ортиқ фуқаро чет элларда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, пандемияга қадар буларнинг сони 2,4 млн.дан ортиқ кишини ташкил этар эди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 46-сон қарори ва фуқароларнинг ўз-ўзини банд қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 806-сон қарори мавжуд бўлсада, лекин уларни ижтимоий суғурта билан қамраб олиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Ушбу тоифа фуқароларни келажақда ижтимоий таъминотини мутаносиб таъминлаш мақсадида давлатлараро келишувлар ва тарғибот ишлар янада ошириш талаб қилинади.

Тўртинчидан, пенсионерларнинг асосий даромад манбаси давлат пенсиялари бўлиб қолаётганлиги, Халқ банкнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими самарасиз эканлигидан хулоса қилиб, хориж тажрибасини ўрганган ҳолда пенсия тизимларини такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

**Бешинчидан,** Пенсия жамғармасининг барқарорлик даражасини янада ошириш, пенсия тўловларини тўлик қоплаш мақсадида жамғарманинг даромадларни турли шакллари жорий қилиш.

**Олтинчидан,** БМТнинг таҳлилларига кўра битта пенсия олувчига учта ишловчи тўғри келса, бундай пенсия жамғармаси мустақам ва барқарор ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра бу кўрсаткич АҚШда 4,4 та, Хитойда 3,5 та, Франция ва Германияда 2,2 та, Россияда 2 та, Японияда 2,3 та, Сингапурда 2,2 та тўғри келса, республикамизда 4.1 млн. пенсия ва нафақа олувчига, жами 6.2 млн. расмий секторда ишловчи (*6.2 млн. ишловчи таркибига: ҳарбий хизматчилар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, ўз-ўзини банд қилган шахслар ҳам қиради, бу тоифадаги шахслар ижтимоий тўловларни умуман тўламайдиган ёки мунтазам равишда тўламайдиган шахслар ҳисобланади*) фуқаролар тўғри келади.

Бу эса, ўз навбатида амалдаги пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаб бартараф этиш, кўп даражали пенсия таъминотига ўтиш пенсияга оид қонунчиликларни халқаро стандартларга мослаштириш ва мавжуд халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш зарурлигидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. World Social Protection Report 2017-19: Universal social protection to achieve the Sustainable Development Goals// [https://www.ilo.org/global/publications/books/WCMS\\_604882/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/global/publications/books/WCMS_604882/lang--en/index.htm).
2. Вся старость мира//<https://www.kommersant.ru/doc/3689648>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
4. Djurakulovich Ziyadullaev Makhmudjon. “YESTERDAY’S, TODAY’S AND FUTURE PENSION REFORMS IN UZBEKISTAN”. Conference Zone, Mar. 2022, pp. 119-21, <http://www.conferencezone.org/index.php/cz/article/view/362>.
5. Зиядуллаев, М. «Сильная социальная защита - требование времени». Общество и инновации, т. 2, вып. 5, октябрь 2021 г., сс. 64-68, doi:10.47689/2181-1415-vol2-iss5-pp64-68.
6. Зиядуллаев, М. «Право на социальное обеспечение в Узбекистане и радикальные реформы, проведенные в пенсионном секторе в 2017-2021 годах». Общество и инновации, т. 2, вып. 8/S, сентябрь 2021 г., сс. 121-7, doi:10.47689/2181-1415-vol2-iss8/S-pp121-127.
7. Г.Худайбердиева. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишининг хусусиятлари//юрисст ахборотномаси 2 (4), 63-68.
8. Raxmatillayev, J., & Yusupjonova, M. (2022). SHANXAY HAMKORLIK TASHKILOTI UCHRASHUVI NATIJALARI. Eurasian Journal of Academic Research, 2(11), 66-69.
9. Dilfuza Abdullaeva. (2022). FLEXIBLE WORKING HOURS IN LABOR RELATIONS. International Journal Of Law And Criminology, 2(07), 1–8. <https://doi.org/10.37547/ijlc/Volume02Issue07-01>.
10. Бурханова, Л. М. (2021). Преимущества и недостатки болонского процесса как структурного направления реформирования высшего юридического образования в республике узбекистан на примере преподавания модуля курса «гражданское право» в Ташкентском государственном юридическом университете. In Социальное партнерство в образовании: опыт, инновации, развитие (pp. 37-44).